

1917 йил декабрь ойида бутун Туркистон Ўлкаси бўйлаб сиёсий кампания авж олди. Хамма жойлардаги йигилишларда Мухторият Муваккат ҳукуматини химоя қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Чунончи, 1917 йил 6 декабрь куни Тошкентнинг Эски Шаҳар қисмидаги Бекларбеги мадрасасида митинг бўлди. Митингда сўзга чиққанлар – М. Абдурашидхонов, муфтий Мулла Одил, Шерали Лапин, Саид Ганихон, Пирмухаммад Аълам ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб ўн беш киши болшевиклар йўлини қораладилар ва Мухторият ҳукуматини химоя қилишга чақирдилар. Митинг катнашчилари 13 декабрь куни, яъни Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом тугилган кунлари намойиш қилишга қарор қилдилар. Намойиш арафасида Тошкентдаги Мухториятни қўллаб-қувватловчи оврапалик кишилар группаси Кўконга – Мухторият ҳукумати номига телеграмма юбориб, унда мухториятчиларни химоя қилиш учун намойишда катнашиш истакларини билдирганлар» («Улуг Туркистон», 1917 йил 14 декабрь).

Бўлажак воқеалардан хабардор бўлган Шўролар ҳокимиятн намойишга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилди. Шўроларнинг шаҳар кенгаши бу чиқишни “муслмонлар оммасининг фитначи аксиланкилобий ҳаракати” деб ҳисоблаб, 13 декабрда белгиланган бу намойишнинг йўлини тўсиш учун ҳарбий қисмларни ишга солди. Тошкент Ўрдасидаги ҳарбий қисмлар Янги шаҳар билан Эски шаҳарга ўтадиган асосий йўлларни тўсиб қўйди. Шунга қарамадан ҳаракат давом этди. Айниқса, Янги шаҳарда оломоннинг тўпланиши мутлақо тақиқланган эди. Турли қўчалардан бўлса-да, йўл топиб айланиб келган муслмонлар Шайх Хованд Тохур масжиди томон юриб келиб йигилди. Соат ўн иккиларга борганда кўп минг кишилик намойишчилар тўпландилар. Йигилганлар орасида Халк Комиссарлари Советининг аъзолари, ҳукмрон партия (болшевиклар) раҳбарлари ва бошқа сиёсий ҳаракат ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам бор эди. Туркистонга Мухторият берилишини талаб қилиб қилувчи шиорлар ёзилган транспарантлар кўтарган гуруҳ, асосан оврапаликларни ташкил этган уч мингга яқин намойишчи Эски Шаҳарга қараб юриди. Шу вақтда ҳарбийлар билан тўқнашув содир бўлган. Тўқнашув натижасида эски шаҳарлик 16 киши ҳалок бўлган. Бўлиб ўтган воқеа хусусида марказга – Петроградга хабар берилган. Тошкент Ишчи ва аскар депутатлар Совети 13 декабрда Тошкентда ҳарбий ҳолат эълон қилди («Туркестанские ведомости», 15 декабрь 1917 г.). Шўролар ҳукумати раҳбари Ф. Колесов марказий ҳукуматга мурожаат қилиб, ундан йўл-йўриқ сўраганида И. Сталиндан шундай мазмунда жавоб олинган: «Сиз жойларда ўзингиз ҳукуматсиз, йўл-йўриқларни ўзингиз ишлаб чиқишингиз керак». , 1917 йил 26 декабрда Муслмон Ишчи ва аскар депутатларининг фавкулудда 1-қурултойи чақирилди. Унда бир неча масалалар қўрилиб, улар орасида Мухторият масаласи алоҳида ўрин тутди. Қурултойда Мухторият масаласида Ленин билан музоқара юришиш учун делегация юбориш масаласида тортишувлар бўлди. Ва ниҳоят, қурултой Ленинга телеграмма юборишга қарор қилди. Телеграммада шундай дейилган: «Туркистон 1-Фавкулудда Муслмон Ишчи ва аскар депутатлари съездида қабул қилинган резолюцияни йўллаб, Сиздан Русия демократик жумҳурияси олий ҳокимияти сифатида Туркистон Халк Комиссарлар Кенгашига ўлка ҳокимиятини Туркистон Вақтли Мухторият ҳукуматига топшириш учун фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу, Туркистонни улкан ҳалокатга келтириши мумкин бўлган бебошлик, иккиҳокимиятчиликнинг олдини олиш учун зарур».

Курултойда миллионларнинг манфаатини ифода этувчи вакиллар мухторият масаласида яқдил (эдилар). Бирок Тошкент Кизил хукуматининг вакили, большевик П. Полторацкий нутк сўзлаб, Мухториятга карши бемаъни гапларни айтди. Ана шундан кейин курултой куйидаги қарорни қабул қилди: «1. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгаши барча аҳоли, айниқса мусулмонлар хоши-истакларининг ифодачиси эмас. 2. Туркистон ўлкаси халқларининг иродаси съездда Мухторият эълон қилинганда ифодаланган. 3.

Туркистонда ягона хукумат органи умумий мусулмонлар курултойида ва уни тўлдирган Мусулмон Мухторияти хукумати ва Халқ Кенгашига (парламенти) топширсин деб истак билдирди. Чунки, ушбу курултой Мухтор Туркистондаги барча демократик қатламлардан ташкил топиб, бутун пролетариат ўй-фикрларининг ифодачисидир». Шундан кейин П. Полторацкий бошчилигидаги большевик вакиллар ва унинг тарафдорлари курултой залини ташлаб чиқиб кетдилар.

Туркистон Мухториятини Бутунроссия Мусулмонлари Кенгаши ва унинг Ижроия кўмитаси ҳам қўллаб-қувватлади. Туркистондаги тараккийпарвар зиёлилар, оддий меҳнат аҳли ва хориждаги барча мусулмонлар Туркистон Мухторияти хукуматини қўллаб-қувватлашди ва хатто ўз сармоялари хисобидан ёрдам уюштиришди. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Фитрат шундай деб ёзган эди: «Турклиқнинг қонини қайнатувчи, имонини юксаклатувчи бир суюнчи сўз тугилди. 27 ноябрнинг кечасинда миллий лайлатулқадримиз бўлган Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Эллиқ йилдан бери эзилдик. Таҳкир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз қесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди. Тузумли турдук, сабр этдук – қучга таянган ҳар буйруққа бўйсиндук, бутун борлигимизни қўлдан бердук. Ёлғиз бир фикрни бермадук, яшинтурдик, имонларимизни ўраб сакладук, бу фикр – Туркистон Мухторияти эди».

Узоқ асрлар мобайнида ўзаро феодал урушлар ва тарқоқлик, мустамлақачилиқ сиёсати ва зулми шароитида яшаган, ана шу зулмлар туфайли халқи хонавайрон бўлган ўлкада Мухторият давлатининг ташкил топиши бутун мусулмонлар оламида қизғин қутиб олинди. Бу ҳақда ўша вақтларда чоп этилган рўзномалар, ойномалар, тўплам ва рисолалар, архив ҳужжатлари, турли йигилишларда қабул қилинган қарорлар ва бошқа маълумотлар гувоҳлик беради. Айниқса, ўзбек шоирлари бу тарихий воқеа муносабати билан қўллаб-қувватлаб ёздилар, Масалан, биринчи бўлиб Хидоятуллоҳ Алиев «Туркистонга» ва «Мухторият шодлиғи» деган оташин шеърлари билан ўзбек халқи номидан Мухториятга муносабат билдирди. Ҳамза эса «Туркистон Мухториятини» деган шеър ёзиб, уни «Улуг Туркистон» рўзномасида (1918 йил 11 январь) эълон қилди (Изоҳ: мазкур шеърнинг тўлиқ матни Ш. Турдиев томонидан «Фан ва турмуш» журналининг 1990 йилги 10-сонида эълон қилинган).

Яна ушбу журналнинг шу сонида Фитратнинг «Мухторият» деган публицистик мақоласи, М. Чўқаевнинг хати ва бошқа материаллар илк бор шўроларнинг рўзнома ва ойномаларининг саҳифаларида эълон қилинган. Чўлпон ўзининг «Аллоҳу акбар» ва «Озод турк байрами» шеърларини Мухторият хукуматининг ташкил топишига бағишлади. Туркистон Мухториятининг мадҳиясини (гимнини) ёзиш учун шоирларга мурожаат қилинган. Эндигина йигирма ёшга тўлган Абдулхамид Чўлпон томонидан ёзилган «Озод турк байрами» деган шеър мадҳия сифатида танлаб олинган (Изоҳ: ўша шеърнинг тўлиқ матни биринчи марта «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1991 йил 20 сентябрь сонида Ж. Каримов томонидан эълон қилинган. Шеърнинг асл нусхасини эса

Кўкон ўлкашунослик музейи ходими А. Мадаминов топиб берган).

Ўз даврининг талантли шоири Хамид Олимжоннинг «Харбий коммунизм даврида ўзбек буржуазия поэзияси» деган маколasiда ёзилишича, мазкур шеър «Эл байроги» рўзномасининг 1917 йил 13-сонида босилган. Ўша вақтларда бу шеър кўп минг нусхада Кўкондаги И. И. Вайнер типолитографиясида варака тарзида босиб чиқарилган ва деярли барча мактабларда, кўчаларда ва йигинларда кўшиқ қилиб айтилган. Ана шу мадхия матнидан парчалар келтирамиз:

Кўз очинг, бокинг хар ён,  
Кардошлар, қандай замон!  
Шодликка тўлди жахон,  
Фидо бу кунларга жон!

Накорот:

Туркистонли – шонимиз, туронли – унвонимиз,  
Ватан – бизим жонимиз, фидо ўлсин конимиз!  
Бизлар темир жонлимиз, шавкатлимиз, шонлимиз,  
Номусли виждонлимиз, қайнаган турк конлимиз!

Мухторият олинди,  
Ишлар йўлга солинди.  
Миллий маршлар чолинди,  
Душман ўртансин энди!  
Накорот ва хоказо.

Мухторият ҳукуматининг эълон қилиниши халқ оммаси томонидан қизгин қутиб олингани ва қўллаб-қувватланиши Тошкент Шўролар ҳукуматиға ёқмади. Болшевиклар партияси ва Шўролар ҳукумати Мухториятга қарши ташвиқот, тухматдан иборат сиёсий кампанияни бошлаб юборди.

Чунончи, 1918 йил 18 январда Тошкентда Фаргона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидаги ўзбек пролетар ташкилотларининг иккинчи қурултойи қақирилди. Қурултой қатнашчилари Мухторият ҳукуматиға норозилик билдирдилар, Ишчи ва дехқон депутатлари Советлари билан Муслмон Советларини бирлаштириш қерак, бунинг учун махсус Қурултой қақирни зарур деб ҳисобладилар. Бундай мисоллар бир неча. Туркистон Мухторияти ҳукуматини М. Тинишбоев атиги бир ҳафтагина бошқарди, холос. Хозирча бизга маълум ва аниқ бўлмаган сабабларга қўра, у истеъфога чиққан. Унинг ўрниға ҳукумат раиси этиб Мустафо Чўқаев тайинланган.

Мухторият ҳукумати ўзининг эълон қилинган қунидан бошлаб актив сиёсий фаолият қўрсата бошлаган. Биринчи навбатда Муслмон сиёсий ташкилотлари ва уларнинг органлари тарғибот ва ташвиқот ишларини қучайтириб юбордилар. «Улуғ Туркистон», «Эл байроги», «Свободный Туркестан» қаби ўнлаб рўзномалар Туркистон Мухторияти томонида туриб иш қўрдилар. Шунини эслатиб ўтиш лозимки, бу вақтларда Тошкент ва бошқа шаҳарларда маърифатпарвар ва тараккийпарвар миллий ёшларнинг бир неча гуруҳлари ва уюшмалари тузилган эди. Масалан, Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида тузилган ва маркази Хадрада жойлашган «Изчилар тўдаси» деб аталган гуруҳга машҳур жамоат ва партия арбоби Акмал Иқромов ҳам аъзо бўлиб қирган эди. (Қаранг: Қ. Хасанов. Акмал Иқромов. Тошкент, «Ўзбекистон», 1972, 7-бет). Мухториятнинг ўзи ҳам

рўзномалар ташкил этди ва улар ўзбек, рус, козок тилларида чикиб турди. Мухторият ҳукумати уезд комиссарлари ва бошка мансабдор шахсларга фармойишлар, телеграммалар ва турли кўрсатмалар юбориб, уларни бажаришга мажбур этишга ҳаракат килди. Масалан, 1918 йил 11 январда Каттакўргон Ишчи, аскар ва дехкон Советлари Мухториятни тан олмай, унинг ҳеч бир кўрсатмасини бажармаслигини эълон килган эди.

Мухторият ҳукумати шошилиш суратда 30 миллион сўмлик заём чиқарди. Ундан кўзланган мақсад ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш ва миллий армия тузиш эди. Ҳукумат тадбирига кўра биринчи навбатда армия тузишга киришилди. «Кўкон мухторияти» китобининг муаллифи П. Алексеенковнинг ёзишича, дастлабки кунлардаёқ ҳукумат ихтиёрида 60 ёлланма аскар тўпланган (44-бет). «Хуррият» рўзномасининг ёзишича эса, Мухторият ихтиёрида қиска вақт ичида икки минг кишидан ортик ҳам ихтиёрий, ҳам ёлланма аскар бўлган (1918 йил 8 март).

Четдан чакирилган ҳарбий кишилар асосан инструкторлик ишларини олиб борганлар. Мухторият ҳукумати ёрдам сўраб хорижий мамлакатларга мурожаат килди ва улардан ҳам моддий, ҳам ҳарбий ёрдамлар оиди. Шу боисдан бўлса керак, 1918 йил январиде Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлган митингда Шуқурхон ҳазратлари: «мухториятчилар ёлғиз эмаслар. Уларни Англия химоя қилаётир», деб бежиз айтмаган («Кокандское эхо». 18 января 1918 г.). Дарҳақиқат, Мухториятни унинг илтимосига биноан Англия, Россия, Франция, Германия, Туркия ва бошқалар қўллаб-қувватлаган эдилар.

Мухторият ҳукумати ўзининг қиска умри давомида бир қатор иқтисодий тадбирларни амалга оширишга ҳаракат килди. Халқ милицияси тузилди, армия ташкил этилди, заём чиқарилди, пул ислохоти ўтказишга киришилди. Мухторият ўз байроғи ва мадҳиясига эга бўлди.

Мустафо Чўкаев ўз эсдаликларида ёзганидек, «Биз Русиядан айрилишни талаб этмадик. Фақат Мухторият эълон қилдик... Натижа эса ҳаммага маълум...» Демак, мухториятчилар Русия таркибида Мухторият бўлиши учун курашган эканлар, деган ҳулоса қелиб чиқади. Ёки Махмудхўжа Бехбудий таъкидлаганидек: «Биз еримизни ва мол-мулкимизни бўлиб олмокчи бўлганларга жон-жаҳдимиз билан қарши чиқамиз. Ҳақиқатда эса, ер, мол-мулк ва динни сақлаб қолиш учун Мухторият туздик» (А. Бабаходжаев. Провал английской агрессивной политики в Средней Азии (1917-1920 г.г.), Ташкент, 1955, стр. 42).

Тошкент ва Москва ҳукуматлари Туркистон Мухторияти ҳукуматиға нисбатан мутлақо душманлик муносабатида бўлдилар. Унга қарши ўта шовинистик сиёсатни қўлладилар. Д. Манжара ёзганидек: «Кўпгина русларнинг, хатто раҳбар ўртоқларнинг қалласидан улуг давлат шовинизми руҳи мустақам ўрин олган эди». Дарҳақиқат ҳам шундай бўлди. Туркистон Мухторияти ҳукуматини ағдариб ташлаш учун ҳамма қоралар қўрилди.

Йўлчи КОСИМОВ,  
тарих фанлари номзоди.

(Давоми бор)